Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 4 август, пайшанба № 124 (21.728). Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН: БАРҚАРОРЛИК ВА СОБИТҚАДАМЛИК

4 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги ҳорижий ваколатхоналар ходимлари, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда чет эллик журналистлар билан учрашди. Учрашув Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёни, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига бағишланди.— Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилаб, жаҳон тажрибаси ва миллий анъаналарга асосланган ислоҳотларни қатъият билан амалга оширмоқда,— деди Ислом Каримов.— Ўтган давр белгилаган йўлимизнинг ва ўртага ташланган беш тамойилнинг тўғрилигини кўрсатди. Бугунги барқарорлик ва миллатлар ўртасидаги тотувлик бизнинг энг катта ютуғимиздир. Яқинда мамлакатимизнинг жанубий туманларида бўлдим. Хўжаликларда, саноат корхоналарида одамлар билан суҳбатлашдим. Сафарим мобайнида Ўзбекистондаги ислоҳотлар ўз самарасини бераётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Ислом Каримов учрашув иштирокчиларини мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнининг бориши, жиноятчиликка қарши кураш, миллий валютани мустаҳкамлаш борасида кўрилаётган тадбирлар билан таништирди.

Ўзбекистон раҳбари ташқи сиёсат борасида тўхталиб, давлатимизнинг халқаро обрўйи юксалиб бораётганини, элчихоналар сони кундан-кунга кўпаяётганини таъкидлади. Кейинги пайтда Франция, Австрия, Покистон каби мамлакатларда Ўзбекистон элчихоналари очилгани, Буюк Британия ва Европа Иттифоқида ваколатхоналар очишга ҳозирлик кўрилаётганини айтди. Шимолий Атлантика Иттифоқининг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига Ўзбекистон ҳам қўшилгани катта воқеа бўлганини қайд этди.

Ислом Каримов Марказий Осиёда иқтисодий бирлашув йўлида қўйилаётган қадамлар хусусида батафсил тўхталди.

— Алматидаги учрашув ва ўзаро аҳдлашувлар аввалги мулоқотларнинг қонуний давоми бўлди,— деди Президент.— Давлатлараро Кенгаш тузилгани ва ўзаро иқтисодий муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилувчи банк таъсис этилгани бизни қувонтиради. Шубҳа йўққи, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланади. Ҳамкорлик ҳақидаги бу аҳдлашувга қўшилмоқчи бўлган давлатлар учун барча йўллар очиқ.

Ўзбекистон Президенти Тожикистон ва Афғонистонда кечаётган воқеаларга ҳам ўз муносабатини билдирди. Куни кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус вакиллари билан шу мавзуда суҳбатлашганини, иккала мамлакатда ҳам тинчлик ва осойишталикнинг ягона йўли музокаралар эканини таъкидлади.

Ислом Каримов дипломатлар ва журналистларнинг мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатига оид кўплаб саволларига батафсил жавоб берди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ДЎСТЛИК ВА ЭҲТИРОМ МАКТУБЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент!

Франция миллий байрами муносабати билан менга йўллаган табрикномангизни олдим.

Табрик учун самимий миннатдорлик билдираман.

Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатларга шахсан мен катта аҳамият бераётганимни айтмоқчиман.

Франсуа МИТТЕРАН,
Франция Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Дания қироличаси Маргарете II дан жавоб мактуби келди, унда қиролича 5 июнда нишонланган Дания миллий байрами — Конституция куни билан самимий қутлагани учун Ислом Каримовга чин қалбдан миннатдорлик билдирган.

Сўнгра мактубда Дания қироличаси Ўзбекистон Президентининг икки мамлакат ва халқ ўртасидаги ўзаро фойдали дўстона алоқаларни давом эттириш ва ривожлантириш истагига қўшилишини айтиб шахсан Ислом Каримовга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва эсон-омонлик тилаган. (ЎзА).

• *ХДП ҳаётидан*

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, жойларда иқтисодий ислоҳотнинг бориши билан яқиндан танишди. Тўрткўл туманидаги «Нафосат» тикувчилик ҳиссадорлик жамиятида тикувчиларнинг иш шароитлари, тайёрланаётган маҳсулотлар билан қизиқди. Бу ерда меҳнат қилаётган 300 нафардан кўпроқ хотин-қизлар ўттиз хил маҳсулот тайёрлашади. 50 га яқин ХДП аъзоларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

«Шўрохон» жамоа хўжалиги пахта далаларида ҳам қизиқарли учрашув бўлди. М. Расулов жамоадаги партиямиз аъзолари, деҳқонлар олиб бораётган ишлар билан танишгач, уларга республикада иқтисодий ислоҳотнинг бориши, шу куннинг энг муҳим масалалари ҳақида гапириб берди.

Шундан сўнг у шаҳар савдо шохобчаларида янгидан қурилаётган деҳқон бозори мажмуидаги хусусий дўконлар, ошхона, чойхоналар қурилишини, туман тайёрлов савдо идораси консерва цехини ҳамда янги консерва заводи қурилишини кўздан кечирди. Ишчилар, қурувчилар билан суҳбатлашди.

Умуман Тўрткўл тумани партия ташкилотлари ишида анча жонланиш бор. Кичик корхоналарда, цехларда, маҳаллаларда янги бошланғич партия ташкилотлари вужудга келмоқда. Мамлакат мустақиллигининг уч йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳамма жойда қизғин иш олиб бориляпти. Олий Мажлисга, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўладиган сайловларга ҳозирлик кўрилмоқда.

Биринчи котиб Элликқалъа туманида «Элтекс» қўшма тўқимачилик мажмуида ҳам бўлди. Ушбу корхона ишга тушгач, 2,5 мингдан кўпроқ киши иш билан таъминланади. Қишлоқ ёшларидан ишчилар, муҳандис ва техник ходимларни тайёрлаш талаб этилади.

«Боғёп» жамоа хўжалиги пахтакорлари, механизаторлари билан учрашув ҳам бевосита мулоқотга айланиб кетди. Нукусда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилоти фаоллари йиғилиши бўлди. Унда республика, туман, шаҳар партия кенгашлари котиблари, тафтиш комиссияси раислари қатнашдилар.

Йиғилишда маъруза қилган Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А. Асанов республика партия ташкилоти сон жиҳатдан ўсгани, сифат жиҳатдан мустаҳкамланганини қайд этиб ўтди. Партия аъзолари ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида фаол қатнашмоқдалар. Ҳозир 17 та шаҳар ва туман, 938 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, уларда 28 минг 580 Ўзбекистон ХДП аъзоси жипслашган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов ўз сўзида йиғилганларнинг диққатини партия ташкилотларининг олдида турган долзарб масалалар— Ўзбекистон ХДП сафларини муносиб зиёлилар, тадбиркорлар, ёшлар ҳисобидан кенгайтириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда партия ташкилотларининг ҳиссасини кўпайтириш, Миллий истиқлол мафкураси асосида аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари савиясини ошириш, бўлажак сайловларга тайёргарликни авж олдириб юбориш масалаларига жалб қилди. Шунингдек, у мустақилликнинг уч йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан тузилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш лозимлигини уқтирди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Тадбиркор—иқтисодиётга мададкор*

Энди Худойшукуровнинг мулкини санаб кетсам, чиндан ҳам у худо берган йигит экан, дейсиз. «Автомобиль» деган шахсий корхонаси бор. Корхонанинг 450 та қўйи, 15 бош сигири бор. 1994 йилнинг биринчи ярмида 5 тонна гўшт етиштирди. Тасарруфида 15 та дўкон. Бозорнинг ўртасида икки қаватли савдо уйи ҳам бор.

Қумқўрғонда биринчи бўлиб корхона атлас цехи очди. Агар қўйиб берсалар, туманда автомобиль заводини қуриб оламан, деган гапини эшитганларнинг ҳеч бири Худойшукуровни мақтанчоқликда айбламади.

Худойшукуров турли гапларга учмади. Бизга элнинг каттачилигини эмас, элнинг хизматини беринг, деди. Бировни ака, бировни ука, деб қишлоқда шахсий машиналарни таъмирлаш корхонасини қурди. Плитани қаердан топдингу, устунни нимадан олдинг деган саволларга дуч келди. Беш йил тергов берди. Гапсўзлар, терговлар ортда қолди. Лекин у қурган йирик иморат бугун эл-юртнинг мулкига айланди.

Худойшукуровнинг йили— илон. Эллик учга киради. Табиатан қаттиққўл одам. Муомаласи-ю савдоси пишиқ. Айрим мижозлар у ҳақда «Тошнинг паррасидай қаттиқ, хасис одам» деганларини эшитганман. Лекин...

Яна бир учрашганимизда у менга: «Қозоғистондан туманга 1000 тонна дон олиб келяпман», деб қолди.

— Доллардан мўлроқ экан-да,— деб ҳазил аралаш айтдим Худойшукуровга.

— Сурхондарёнинг тупроғи доллар,— деди у жиддий тортиб.— Меваси, сабзавоти — доллар. Россияга пиёз ортдим. Эвазига олинган аккумуляторни Қозоғистонга ўтказамиз. Қозоғистондан бизга дон ўтади. Мана сизга доллар. Мана, айрим савдо ташкилотларини олинг. Комбинатдан мошин-мошин ун ташийди. «Ҳа» десангиз, пекарниймиз (нон цехи) бор, ўша ёққа обборамиз, дейишади. Нон цехи аслида ишламайди. Индолло шуки, халтага «шапка» қўндиришиб, унни чангитиб сотади азаматлар. Яна шу билан кўчага чиққанда ғўддайиб юришларини айтинг.

Йигит деган ғирромликдан уялмоғи даркор. Йигит деган одамларнинг кўзига қараб яшамоғи даркор. Мақтаниш эмас, 15 та дўконнинг ҳаммасини ўзимиз қурганмиз. Ҳар йигитлар борки, юлдузни нарвонсиз урадиган. «Ол, барака» десам, бир кунда мингта ғирромликни дўндиришади. Лекин элингни алдаб не орттирасан? Иймон сўрови, виждон сўрови нима бўлади?

Худойшукуровнинг режалари оддий. Атлас цехини фабрикага айлантириши мумкин. Автомобиль заводи ҳақидаги гапини эшитдингиз. Америкалик, япониялик ишбилармонлар билан ҳамкорликни кўзлаяпти. На замонадан, на одамлардан зорланадиган одати бор. Бу гал маҳаллий тўралардан нолигандай гапириб қолди. Осон эмас-да. Айниқса ишлаётган, ишлайман, деб турган одамга.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ОДАМЛАРНИНГ КЎЗИГА ҚАРАБ ЯШАМОҚ КЕРАК»

дейди қумқўрғонлик ишбилармон Худойберди Худойшукуров

Қайси бир гурунгда Худойшукуров: «Лимон меваси вужуддаги радиоактив нурни сусайтиради», деган гапни эшитиб, томорқасидаги 3 тонна лимонни Чернобиль болаларига тортиқ қилди. Ёки 1994 йили ўзи билган ногиронларга 500 минг сўм пул, бир сигир ҳадя этди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

• *Кичик корхоналар*

ЧИҚИТДАН ШИША БУЮМЛАР

● АНДИЖОН (мухбиримиздан). Избоскан туманида шиша синиқлари ҳам чиқитга чиқарилмайдиган бўлди. Чунки, туман улгуржи чакана-савдо ишлаб чиқариш базаси қошида кичик корхона фойдаланишга топширилди.

Бу ерда ҳўл мевалар учун мўлжалланган ҳар хил вазаларни тайёрлаш ўзлаштирилди. Бундай маҳсулотга қизиқиш катта. Хусусан, Пойтуғ шаҳар деҳқон бозоридаги фирма дўконида вазалар қўлма-қўл бўлиб кетмоқда. Маҳсулотни янада кўпайтириш, хом ашёни етказиб туриш муаммоси деярли йўқ. Ҳозирданоқ вилоятдаги корхона, ташкилотлар билан ойна ва шиша синиқлари учун шартнома тузиб қўйилди. Муҳими, ўртада пул эмас, маҳсулот айланади. Шериклар бу усулни маъқул кўришмоқда. Йил охиригача маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда шишадан электр қандиллар тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

• *Матбуот*

«ДАВР МИНБАРИ» ГАЗЕТАСИ

● ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Вилоят давлат солиқ бошқармаси ўз газетасига эга бўлди. Яқинда 1-сони нашрдан чиққан бу газетага «Давр минбари» номи берилди.

Янги газета давлатимиз солиқ сиёсатини аҳолига тушунтириш билан бирга қабул қилинган қонунлар, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳақида мақола ва хабарлар бериб боради. Унинг саҳифаларида бадиий асарларга ҳам кенг жой ажратилган.

• *Иқтисодий алоқалар*

СЎХ СУВИ ШВЕЦИЯГА ОҚАДИ

● ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Маълумки, Сўх водийнинг кўркам масканларидан. Бу ернинг экологик жиҳатдан мусаффо булоқ сувининг шифобахшлиги маълум. Бироқ бу табиат инъомига олдингидан оққан сувнинг қадри йўқ, қабилида қараларди.

Швециялик ишбилармонлар эса Сўх булоқларига қизиқиб қолишди. Мальмё шаҳридаги «Бартериндустри» фирмаси президенти Матс Йонсан Фарғонага келиб, ўз мутахассислари билан сувнинг шифобахшлигини ўрганди. Бу фирма билан ҳамкорликда сув қадоқлаш корхонаси қуришга келишиб олинди. Режага мувофиқ, Сўхнинг шифобахш сувлари қадоқланган ҳолда Оврупо мамлакатларига тарқатилади. Қўшма корхона учун жой танлаш бошлаб юборилди.

Алишер ИБОДИНОВ,

• *Газлаштириш*

ОЛИС ҚИШЛОҚДА ҲАМ «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

● НАВОИЙ (мухбиримиздан). Қизилтепа туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида аҳолини ичимлик сувн ва табиий газ билан таъминлашга эътибор берилмоқда.

Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси И. Ҳусановнинг тадбиркорлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Унинг ташаббускорлиги билан хўжалик қишлоқларига 600 километрли қувурлар ётқизилиб, аҳоли арзон ёқилғидан баҳраманд бўлди. Ҳозир хўжалик тўлиқ газлаштирилган. Ҳатто Гардиён, Майса, Шаҳривайрон, Тотиён каби олис қишлоқларда ҳам табиий газдан фойдаланилмоқда. Мақсад хўжаликка Шофиркондаги Жилвон ер остидан олинувчи ичимлик сувини келтириш. Бу хайрли иш ҳам уюшқоқлик билан уддаланмоқда. Бугунгача 20 километрга ҳар хил ҳажмдаги қувурлар ётқизилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

САМАРҚАНД ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Самарқанд вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳар кенгаши сессияси, Самарқандда ўтказилган учрашувда ва куни кеча ярим йиллик иш якунига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги нутқларида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама қилинди.

Вилоят хокими П. Абдураҳмоновнинг ана шу ҳақдаги маърузаси тингланди. Сўзга чиққанлар мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан кўрилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев нутқ сўзлади.

(ЎзА).

• *Газета жавоб кутади*

НЕГА СУКУТ САҚЛАЙСИЗ?

«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 19 февраль сонида Бўстонлиқ туманидаги Чимён қишлоғи аҳолисининг дарду ҳасратлари битилган «Асабни синаш қачонгача?» сарлавҳали мақола босилган эди. Таҳририят мазкур мақолани текшириш ва кўрилган чора ҳақида хабар қилишни сўраб ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИГА хат йўллаган эди. Афсуски, беш ойдан ошибдики, пойтахт вилоят ҳокимлигидаги мутасаддилар чурқ этишмаяпти.

Танқидий чиқишларни кўриб кўрмасликка олиш борасида ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ раҳбарлари алоҳида «ўрнак» бўлишмоқда. Газета мухбири Мусо Каромовнинг «Қонун бундай дейди, ҳоким ундай» сарлавҳали мақоласи (24 февраль) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида тилга олинган мавзу асосида ёзилганди. Вилоят ҳокимлиги эса на бундай деди, на ундай! Шунингдек, газетанинг 17 май сонида «Саргардонлик кимга керак?» сарлавҳали мақолада Қамаши туманидаги «Қоратепа» жамоа хўжалигида савдо хизматидаги камчиликлар ҳақида бонг урилганди. Газетанинг ушбу сони ўша куниёқ вилоят ҳокимлигига текшириш учун юборилганди. Лекин ҳамон садо йўқ.

«Ўзбекистон овози»нинг 30 апрель сонида «Қоракўлчига ким қайишади?» сарлавҳали мақола «Муаммо ечимини кутади» рукни остида берилганди. Хўш, амалда нима бўлди? Муаммо ҳамон ечимини кутмоқда. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИдаги ўртоқлар таҳририят юборган газета сонини қайси қоғозлар уюми орасига қўшиб юборишди экан.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИДАги мутасадди раҳбарлар эса «Аросат кемаси қаёққа сузсин?» мақоласига, мана 79 кундирки, жавоб беришни ўзларига эп кўрмаяптилар.

Ҳатто газетамизнинг 1993 йил 18 сентябрь сонида чиққан «Гумон» мақоласига ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ўз муносабатини билдирмади. БУХОРО УНИВЕРСИТЕТИ ректори Комил Муқимов эса мақолага жавоб беришни ўзига эп кўрмади. У кишн минг-минглаб газетхонлар олдидаги ўз масъулиятини унутиб қўйган чоғи?!

Таҳририят бундан буён ҳам матбуот чиқишларига эътиборсизлик билан муносабатда бўлаётган, наридан—бери жавоб йўллаётган ташкилот ва идораларни газета саҳифасида маълум қилиб боради.

ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Гулистонда Сирдарё вилояти фаоллари йиғилиши бўлди. Унда республика Президенти Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳар кенгаши сессияси ҳамда 29 июль куни Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда сўзлаган нутқларида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов шу ҳақда маъруза қилди.

Нотиқ ва сўзга чиққанлар вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни изчиллик билан давом эттириш, аҳолига савдо, алоқа ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, миллий валютамизнинг нуфузини янада кўтариш борасида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов сўзга чиқди.

(ЎзА).

• *ХДП ҳаётидан*

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА...

Андижон вилоятида соғлом фикрли, ишчан, ташаббускор, юксак эътиқодли кишилар ҳисобига партия сафини ўстириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериляпти. Масалан, биргина ўтган ойнинг ўзида ХДП сафига 642 нафар янги аъзо келиб қўшилди. Олдинги ойларда ҳам бу кўрсаткич кам бўлгани йўқ. Андижон шаҳар, Пахтаобод, Избоскан, Шаҳрихон туманлари партия ташкилотларида олиб борилаётган катта ташкилий ишлар туфайли одамларда партияга бўлган ишонч ортмоқда. Кўплар партия билан ўз тақдирини боғлаш истагини билдиришяпти. Йил бошидан буён ХДП аъзолари сони 3343 кишига ўсиб, 28414 нафарга етди. Ҳатто шу пайтгача партия аъзоси бўлмаган меҳнат жамоаларида ҳам партияга қабул ўтказилиб, бошланғич ташкилотлар иш бошлади.

Шундай бир пайтда, афсуски, айрим туман партия ташкилотларида бу борада силжиш деярли кўзга ташланмаётир. Акс ҳолда ўтган олти ойда партия сафи Комсомолободда бор-йўғи 79, Жолоқудуқда 86, Қўрғонтепада 90, Марҳаматда 93, Олтинкўлда 94 кишига кенгаярмиди?

Ўзбекистон ХДП шаҳар ва туман кенгашларининг ярим йиллик иш якунларига бағишлаб яқинда вилоят партия кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда шу масалага жиддий эътибор қаратилди ва партия сафини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўриш лозимлиги уқтирилди.

— Мендан айрим кишилар сафимизнинг ҳалол, виждонли кишилар ҳисобига тобора кенгайиб бораётгани сирини сўрашади,— дейди Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Мухторов ярим йиллик иш якунларини сарҳисоб қилар экан.— Аслида бу ўринда ҳеч кимдан беркитадиган гап йўқ. Кўпроқ халқ ичида бўлишга, унинг қувончу ташвишлари билан яшашга интилаётганимиз асосий омилдир.

Дарҳақиқат, халққа яқин бўлиш — вилоят партия ташкилотининг мақсад-муддаоси. Шунинг эвазига Андижонда ХДПнинг нуфузи ортиб, обрў-эътибори мустаҳкамланиб боряпти. Айниқса, бу йил пилла билан ғалла етиштириш соҳалари партия томонидан оталиққа олингани яхши бўлди. Бу борада кўрсатилган холис ёрдамдан аксарият хўжаликлар манфаатдор бўлди. Чунки, уларда давлатга пилла ва ғалла топшириш юзасидан тузилган шартномалар тўла адо этилди. Жойларда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, қўшма корхоналар барпо этиш юзасидан қилинаётган ишларда ҳам партия аъзоларининг ҳиссаси салмоқли. Айни пайтда вилоятда 9 та ана шундай йирик қўшма корхона тикланяпти. Улар ишга туширилгач, нафақат вилоят, балки республика истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдиришга жиддий кўмаклашади, аҳолининг зарур молларга бўлган эҳтиёжи бир қадар қондирилади.

Шунингдек, маънавий ҳаётда ҳам партия аъзоларининг фаол иштироки кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан муайян ишлар қилинмоқда. Шу мақсадда жойларда ўтказилаётган кўргазмали семинар-кенгашлар партия ташкилотларида тўпланган тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилаётир. Аҳоли билан қизиқарли мулоқот ва учрашувлар ўтказиб бориляпти. Шаҳар ва туман кенгашларида маҳалла оқсоқолларининг ўқуви ўтказилмоқда. Бу партия кенгаши билан меҳнат жамоаларининг яқин ҳамкорлигини таъминлашга ёрдам беряпти, ишдаги манфаатдорлик ортаётир.

Йиғилишда айрим туман партия кенгашларига жиддий эътирозлар билдирилди. Негаки, партия олдида ҳали жуда кўп муҳим ишлар турибди. Бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўриш, миллий истиқлол мафкурасини кишилар онгига сингдириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини авж олдириш шулар жумласидандир. Мақсад ишни яхшилаш экан, сувдан ғалвир кўтарилганда ўтган кунларга, қилинган ишларга танқидий кўз билан, холис баҳо бериш фойдадан ҳоли эмас.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Акс-садо*

МЎЪТАБАР МАСКАН

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 1994 ЙИЛ 21 ИЮЛЬ, «БУЮК ХАЗИНА»

«Ўзбекистон овози» газетаси ўз саҳифаларида ҳозирги кундаги долзарб масалаларни, ҳар биримизни ўйлантираётган ва ечимини топишимиз лозим бўлган муаммоларни кўтариб чиқаётгани эътиборга моликдир.

Чунончи, рўзноманинг шу йил 21 июль сонида босилган «Буюк хазина» сарлавҳали давра суҳбатини катта қизиқиш билан ўқидик. Республикамизда кўзга кўринган маданият ва сиёсат арбобларининг маънавият, маърифат ва қадриятларимизни тиклаш, авайлаб-асраш ҳамда ривожлантириш хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан танишдик. Ҳақиқатан ҳам кўпинча тирикчилик, уй-рўзғор ташвишлари, юғур-юғурлар билан бўлиб, назаримда, маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб кетаётгандекмиз. Оилада фарзандларимизнинг қорнини тўйдириш, устини бут қилиш, тўй қилиш, сарупо йиғиш кабиларни ўйлаймиз-у, фарзандларимизга маданият, маънавият, одобахлоқдан сўз очишга, тарбия беришга кам вақт ажратамиз. Ахир биз ўзбеклар азал-азалдан маърифатпарвар, маданиятли, меҳмондўст, ширинсухан, саховатли, меҳр-оқибатли, катта-кичикка иззат-ҳурмат кўрсатувчи халқ сифатида ажралиб турганмиз-ку!

Миллий, умуминсоний қадриятлар, анъана ва удумларни тиклаш, фарзандларимизни баркамол кишилар қилиб тарбиялаш ҳамда ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур. Ана шундай тарбия ўчоғи — биз яшаб турган жонажон маҳаллаларимиздир. Чиндан ҳам маҳалла — одамларни қовуштирадиган, меҳр-оқибатга ундовчи пурҳикмат жой, тарбия, маънавият, маърифат ўчоғи. Кейинги пайтда маҳаллаларда турли тадбирлар, хайрия ишлари кўп ўтказилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Шундай тантаналарда, тўй-маъракаларда кишилар бир-бириларига яқинлашади. Ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат кучаяди.

Маълумки, ҳар бир маҳаллада чойхона, мактаб, боғча бор. Биз айнан шундай жойларни ҳақиқий маърифат, маданият масканига айлантирмоғимиз лозим. Чойхоналарда эркакларимизнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб ошхўрлик, ичкиликбозлик қилишларига, миллатимизга хос бўлмаган картабозлик ва бошқа бўлмағур ишлар билан шуғулланишларига чек қўйишимиз керак.

Боғчалар шунчаки фарзандларимизни бир неча соат ушлаб турадиган жой эмас, ҳақиқий шарқона тарбия маскани бўлсин. Болаларимиз мактабга шунчаки папка кўтариб бориб, 5—6 соат вақтни бекорга ўтказиб келмасинлар. Балоғат ёшига етган ўсмирларимиз кучларини қаёққа сарфлашни билмасдан, бекорчиликдан ўзларига «эрмак» ахтариб, ножўя йўлларга кириб кетмасинлар. Айниқса, ёзги таътил вақтида болалар бекорчиликдан номаъқулчиликлар қилиб қўядилар. Кўпчиликнинг ўз фарзандларини оромгоҳларга юборишга моддий шароити кўтармайди. Оқибатда ота-оналар давлат иши, тирикчилик ташвиши билан банд, болалар эса китоб ўқиш қаёқда дейсиз, бозор ва дўконларда тентираб юришади. Келажагимиз бўлган ёш авлод тарбияси тўғрисида маҳалла фаоллари мактаб жамоаси билан биргаликда бош қотирсалар, болаларнинг назоратсиз қолишлари олдини олсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Шукур Темировнинг «Маҳалланинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, кўп қаватли уйлардан иборат мавзеларда ҳам маҳаллалар ташкил қилинмоқда», деган фикрлари беиҳоя маъқул гап.

Маҳаллаларда яшайдиган қўни-қўшнилар бир-бирларининг ҳол-аҳволидан кўпроқ хабардордир. Тиқ этса ҳамма эшитади. Кўп қаватли биноларда эса биров билан бировнинг иши йўқ. Бундай бинолардаги айрим хонадонлар фоҳишалар ва қиморбозлар уясига, беҳаё фильмлар намойиш қилинадиган жойларга айланиб қолаётгани сир эмас. Маҳаллалардаги уйларга нисбатан кўп қаватли биноларда турли жиноятлар, ўғирликлар кўп содир бўлади. Бундай иллатлар туфайли маънавиятимиз кўпроқ оқсамоқда. Шу боисдан ҳам кўп қаватли биноларда маҳаллалар ташкил қилиниши айни муддаодир. Бинобарин, давра суҳбатида беиҳоя тўғри таъкидланганидек, маҳалла одамларни қовуштирадиган ҳамда меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, ҳалоллик, поклик, ватанпарварлик ва инсонпарварликка ундовчи жой, тарбия, маънавият, маърифат маскани бўлиб қолсин.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолияти миллий қадриятларимиз, анъана ва удумларимизни тиклаш, маданий-маърифий ишларни кучайтириш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, бозор иқтисодиётига ўтилаётган шароитда аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, ишсизларни иш билан таъминлашга кўмак бериш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлмоқда.

Хўп, маҳалла-ку шундай хайрли ишларни амалга оширишга бош-қош экан, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар шароитида «Маҳалла» жамғармасини қўллаб-қувватлаш, унинг савобли ишларига кўмаклашиш ҳар бир виждонли кишининг, айниқса, раҳбарнинг ўз халқи олдидаги бурчи эканлигини ҳамма ҳам тушуниб етаётирми? Биз мақоладан «Маҳалла» жамғармаси ихтиёрига берилган цехни хом-ашё билан таъминлашда бир неча корхоналарнинг казо-казо раҳбарлари сансалорлик қилаётганликларини билиб жуда ҳайратландик. Ахир савдо ташкилотлари учун топилган мато, наҳотки, бу цех учун топилмаса? Келин-куёвлар, камхарж оилаларга бериш мақсадида гилам ва гилам поёндозлар сўралганда ҳам рад жавоби берилганлиги ачинарли ҳол.

Яқинда биз ҳам худди шундай тўсиққа дуч келдик. Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга, халқ истеъмоли молларини кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшишдек хайрли мақсадни кўзлаб тузилган «Ўзбекистон — Покистон» қўшма корхонаси Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси билан йил бошида тузилган шартномага кўра газлама олишга рухсат сўраб илтимоснома юборилганида республика Енгил саноат уюшмаси қошидаги мутасадди ташкилотлар асоссиз равишда рад жавоби бердилар. Кимларнингдир бепарволиги, сансалорлиги, масъулиятсизлиги, тўрачилиги туфайли юз бераётган хомашё таъминотидаги бу тўсиқлар қачон бартараф этилади? Ваҳолонки, шундай қўшма ва кичик корхоналар, маҳаллаларда очилган цехларни хом ашё билан таъминлашга ўз вақтида жиддий эътибор берилса, уларни қўллаб-қувватлаб турилса, аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари тезроқ ҳал бўларди, маҳаллалардаги тикув цехларида ишловчи аёлларимиз ўз моддий-молиявий шароитини яхшилаши тезлашарди.

Умид қиламизки, республика Енгил саноат уюшмасидаги мутасадди раҳбарлар «Маҳалла» хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлашдек савобли ишга ўз ҳиссасини қўшадилар ва улар талабини тез кунда қондирадилар.

«Ўзбекистон овози»да эълон қилинган давра суҳбатида эса маънавият, маданият ва маърифатимизнинг ривожи моддий-молиявий, иқтисодий ҳаётимизга, шу бугунги амалий ишларимизга, раҳбарми, оддий меҳнатчими — кимлигидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ишга масъулият билан ёндашишига, онги-шуурига, ватанпарварлик туйғуларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,
Ўзбекистон халқ депутати, Халқаро муҳандислик Академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор.

Яқинда Уйчи туманида янги бозор, кўплаб дўконлар, новвойхоналар, шакар заводи, колбаса цехи, спирт цехи ишга туширилди. Хуллас, бу ерда кўплаб ободончилик ишлари амалга оширилди. Суратларда: 1. Яқинда ишга туширилган «Болалар дунёси» дўкони. 2. «Наврўз» чойхонаси. 3. Туман раҳбари Турсунпўлат Мирзамаҳмудов, ғишт заводи директори Боққулло Носиров, туман ДАН инспектори Муҳаммадсодиқ Юнусов, йўл қурилиши ва таъмирлаш бўлими участкаси бошлиғи Қоработир Тиллабоев.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ШИДДАТЛИ ТЎҚНАШУВ

● **ТЕЛЬ-АВИВ. Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Рамоллоҳ шаҳрида Исроил босқинига қарши намойиш қатнашчилари билан бўлган шиддатли тўқнашув натижасида ўн тўрт киши яраланди.**

Исроил ҳарбийлари тош ва ёнувчи модда тўлдирилган шиша билан қуролланган фаластинликларга қарши кўз ёшлантирувчи газ ва резина ўқ ишлатдилар. Маълумотларга қараганда, бу ҳудудда Исроил истилочи кучлари тарафидан фавқулодда ҳолат жорий этилган.

ҚАМАЛ ҲОЛАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

● **ПОРТ-О-ПРЕНС. Гантининг муваққат Президенти Эмиль Жонассен миллий радиотелевиденеедаги чиқишида «БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Гаити бўйича қабул қилган қарорига жавобан» мамлакатнинг барча ҳудудида қамал ҳолати эълон этилганини билдирди.**

Хавфсизлик Кенгашининг куни кеча қабул қилинган қарорида. Гаитида демократияни қуролли куч билан тиклаш кўзда тутилган.

«БМТнинг Гаитига қарши эълон қилган уруши қонли бўлиши муқаррар. Чунки биз ўз мустақиллигимизни бор имконият ва воситалар билан ҳимоя қилишга тайёрмиз»,— деди халққа хитобида Гаити Президенти Эмиль Жонассен.

МАШҒУЛОТЛАР —ХАВФ ТУҒДИРМОҚДА

● **НЬЮ-ЙОРК. АҚШ ҳарбий кучлари Гаитига бостириб кириш қарор қиладими — йўқми — ҳозирча номаълум.**

Бироқ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қароридан сўнг Вашингтонда бу муаммони куч ишлатиш йўли билан ҳал этиш эҳтимоли кучайди. Эй-Би-Си телекомпаниясининг таъкидлашича, Гаитига яқин Вьекес оролида Америка Қўшма Штатлари денгиз пиёдалари ҳамда ҳарбий денгиз кучларининг машғулотлари бу мамлакатга бостириб кириш тайёргарлиги сифатида баҳоланмоқда.

НАВОЗ ШАРИФНИНГ НИЯТИ

● **ИСЛОМОБОД. Покистоннинг собиқ Бош вазири Навоз Шариф, агар ҳокимиятга қайтгудек бўлса, Вазирлар Кенгаши Раиси Беназир Бхутто ва Президент Фаруқ Леғарий устидан жиноий иш қўзғашини билдирди.**

Навоз Шариф Покистоннинг бугунги раҳбариятини ўзи бошқариб турган ҳукуматни ноқонуний равишда четлатганликда ва сиёсий рақибларга қарши таъқиб сиёсатини қўллашда айбламоқда.

МУЗОКАРА ТУХТАБ ҚОЛИШИ МУМКИН

● **БАЙРУТ. Ливаннинг «Ан-Наҳр» рўзномаси хабарига қараганда, агар Исроил Ливанга қарши ҳужум қиладиган бўлса, Сурия Исроил билан музокараларни бутунлай тўхтатади.**

Дамашқнинг бу ҳақдаги огоҳлантириши Миср Президенти Ҳусни Муборак орқали Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабинга етказилди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

● **ДОХА. Қатар давлати Франция билан ҳарбий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди.**

Ҳужжатда, жумладан Қатарнинг Франциядан қирувчи—бомбардимончи самолётлар сотиб олиши ҳам қайд этилган.

МАЖМУА ИШГА ТУШДИ

● **ТЕҲРОН. Эроннинг Бандири Ҳумайний шаҳрида йилига 3,5 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик нефт-кимё мажмуаси ишга туширилди.**

1995 йилга бориб корхона 8 миллион тонна нефт маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Мажмуани барпо этиш учун 4,5 миллиард доллар маблағ сарфланди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Партия ахбороти

КЕНГАШ КЎМАК БЕРАДИ

Булоқбоши туманининг Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон Президенти Фармонларининг бажарилишини таъминлашда маъмуриятга яқиндан ёрдам беряпти. Бу ерда мазкур масала юзасидан доимий иш олиб борадиган жамоатчилик кенгаши тузилган.

Кенгаш ўзининг аниқ иш режасига эга. Унга бирлашган 7 нафар ХДП аъзоси Президент Фармонларининг жамоа хўжалигида қандай амалга оширилаётганлигини пухта ўрганиб, кенгашнинг мунтазам ўтказиладиган йиғилишларида муҳокама қилиб боришади. Шунингдек, масъул раҳбарларнинг ҳисоботлари ҳам тингланиб, ишга тўғаноқ бўлаётган муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланди.

А. РУСТАМОВ.

«ОИЛА МУСТАҲКАМ — ДАВЛАТ МУСТАҲКАМ»

Хоразм вилоят ҳокимлиги билан ХДП вилоят кенгаши ҳамкорликда Урганч шаҳрида ана шу мавзуда халқаро оила йилига бағишланган давра суҳбати ташкил этдилар.

Ушбу тадбир вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» ва «Экосан» жамғармалари вилоят бўлимларининг фаоллари иштирокида ўтказилди. Давра суҳбатида оилани мустаҳкамлашда ҳокимликлар, партия ва жамоат ташкилотлари, хайрия жамғармалари — бутун жамоатчиликнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари зарурлиги тўғрисида гап борди. Қатнашчилар шу масала юзасидан вилоят аҳолисига Мурожаатнома қабул қилдилар.

Давра суҳбатида ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ғ. Машарипов, шаҳар ва туман партия кенгашлари котиблари иштирок этдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Қишлоқда ислоҳот қандай бормоқда?*

ХАЗИНА ҒОЙИБДАН ЭМАС, МЕҲНАТДАН КЕЛАДИ

ТОШКЕНТ ТУМАНИ ҲОКИМИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ, ЎзХДП АЪЗОСИ РУСТАМ АКБАРОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Рустам Раҳбарович, ўзингизга маълум, республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни осон кечаётгани йўқ. Ийлимизда турли қийинчиликлар учраб турибди. Тўғри ва равон йўлга тушиб олиш, халқнинг тўқ-фаровон ва осуда ҳаётини таъминлаш барчамизга, шу жумладан тўғри, тадбиркорлик билан иш юритаётган раҳбар ходимлар фаолиятига ҳам боғлиқ...

— Ҳақ гап. Бугун ягона мақсад — мустақилликни мустаҳкамлаш, келажаги буюк давлатни барпо этиш йўлида барчамиз жипслашишимиз, қўлни қўлга бериб ишлашимиз лозим. Юрт равнақи, Ватан истиқболи, дастурхон тўкинчилигини ўйлаган ҳар бир ўғлон шундай қилмоғи шарт. Зеро, эртанги кунимизнинг яхши бўлиши фақат ўзимизга боғлиқ.

Энди раҳбарлар масаласига келсак, менимча, уларни бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари ўн, юз чандон ортиқ. Чунки халқ шу туман ёки хўжаликка бошчилик қилаётган раҳбарнинг фаолиятига қараб баҳо беради. Яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар сессиясида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов буни жуда тўғри таъкидлаб ўтдилар. Раҳбарликни лавозим деб тушуниб, жонкуярлик, ташаббус кўрсатмасдан хизмат курсисига суяниб қолган киши ҳозир халқ эътиборидан четда қолиши аниқ. Кўпчиликка ишониб, ўзи курашга интилган раҳбар эса албатта мақсадига эришади.

Биз туман миқёсида айнан шундай кадрларни раҳбарлик лавозимига қўйишни маъқул топяпмиз. Натижада ишимизда ўнгланиш, туман иқтисодиётида жонланиш яққол сезилмоқда.

Биласиз, туманимиз асосан мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган. Кейинги уч йил ичида бу тармоқда ишга муносабат жуда ўзгарди. Деҳқон меҳнатига яраша қадр топадиган бўлди. Ҳар йили шаҳарликлар дастурхонига 50—60 минг тонна мева-сабзавот етказиб беряпмиз. Моддий манфаатдорлик ошган сари деҳқончилик маданияти юксалиб, ҳосил самарадорлиги ҳам ошяпти.

Биргина мисол. Икки йил олдин картошканинг ҳар гектаридан 93 центнердан ҳосил олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 120 центнерга етди. Ҳосилдорлик 17 центнерга ошди. Бу йил эса пиллакорларимиз деҳқончиликнинг дастлабки ҳосили пилла режасини биринчилардан бўлиб бажардилар. Ғалла мустақиллиги учун курашга ҳам ўз улушимизни қўшяпмиз. Куни кеча давлатга ғалла сотиш режасини вилоятда биринчилардан бўлиб бажардик. Бу йил давлатга 46 минг тонна сабзавот сотишни режаштирганмиз. Айни кунларда пойтахтимизнинг «Юнусобод» деҳқон бозорида ташкил этилган сабзавот ярмаркасида 60 тонна маҳсулот, шу жумладан, 25 тонна картошка сармад олиняпти. Фойданинг бир қисми ободонлаштириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга сарфланаяпти. Ҳозирги кунда туманимизда 250 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналарда халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари ва аҳоли учун зарур бошқа кундалик буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Аввалларида давлатдан бюджетга кўплаб миқдорда қарз олишга мажбур эдик. Иқтисодий ислоҳотни жорий этиш ва уни жадаллаштириш туфайли туманнинг ўз даромад салмоғи йилдан-йилга ортмоқда. Икки йилдирки, биз давлатдан қарз олмаяпмиз. Республикамиз Президентининг шу йил 29 июль куни Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда бу масалага аниқлик киритиб, энди давлат қарз беришдан воз кечиши ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлайман. Тўғрида, қачонгача давлатга боқиманда бўламиз. Агар иш тўғри ташкил қилинса, ҳар бир туман, ҳар бир хўжалик, ташкилот ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши мумкин. Фақат бунинг учун чин дилдан ғайрат-шижоат кўрсатиш, янгиликдан чўчимаслик лозим. Шу ўринда таъкидлаб ўтай: биз ўзимизни ўзимиз боқаяпмиз, десак муболаға бўлмайди. Ўтган хўжалик йилида туман бўйича 9 миллиард 321 миллион сўмлик даромад олинди. Шундан 4 миллиард 639 миллион сўмни қишлоқ хўжалиги берди. Бу йил кичик корхоналардан олинадиган даромад ўтган йилдагига қараганда анча кўпаяди. Ушбу фойда туман бўйича олинадиган умумий сармоянинг 60 фоизини ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Хуллас, хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан, деб шунга айтсалар керак-да!

— Рустам ака, мамлакатимизда мулкчиликнинг хилма-хил шакллари пайдо бўляпти. Дейлик, жамоа, оилавий, ижара хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий корхоналар ва шу кабилар. Айтинг-чи, сиз хусусий мулкнинг устиворлигига қандай қарайсиз?

— Биласизми, эркин рақобат бор жойда доим силжиш, ўсиш бўлади. Собиқ тузум даврида эса рақобатга, ҳатто ошхўрлик, ичкиликбозлик қилишларига, миллатимизга хос бўлмаган картабозлик ва бошқа бўлмағур ишлар билан шуғулланишларига чек қўйишимиз керак.

Ҳозирги кунда туманимизда вилоятда биринчилардан бўлиб бажардик. Бу йил давлатга 46 минг тонна сабзавот сотишни режаштирганмиз. Айни кунларда пойтахтимизнинг «Юнусобод» деҳқон бозорида ташкил этилган сабзавот ярмаркасида 60 тонна маҳсулот, шу жумладан, 25 тонна картошка сармад олиняпти. Фойданинг бир қисми ободонлаштириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга сарфланаяпти. Ҳозирги кунда туманимизда 250 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналарда халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари ва аҳоли учун зарур бошқа кундалик буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Аввалларида давлатдан бюджетга кўплаб миқдорда қарз олишга мажбур эдик. Иқтисодий ислоҳотни жорий этиш ва уни жадаллаштириш туфайли туманнинг ўз даромад салмоғи йилдан-йилга ортмоқда. Икки йилдирки, биз давлатдан қарз олмаяпмиз. Республикамиз Президентининг шу йил 29 июль куни Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда бу масалага аниқлик киритиб, энди давлат қарз беришдан воз кечиши ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлайман. Тўғрида, қачонгача давлатга боқиманда бўламиз. Агар иш тўғри ташкил қилинса, ҳар бир туман, ҳар бир хўжалик, ташкилот ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши мумкин. Фақат бунинг учун чин дилдан ғайрат-шижоат кўрсатиш, янгиликдан чўчимаслик лозим. Шу ўринда таъкидлаб ўтай: биз ўзимизни ўзимиз боқаяпмиз, десак муболаға бўлмайди. Ўтган хўжалик йилида туман бўйича 9 миллиард 321 миллион сўмлик даромад олинди. Шундан 4 миллиард 639 миллион сўмни қишлоқ хўжалиги берди. Бу йил кичик корхоналардан олинадиган даромад ўтган йилдагига қараганда анча кўпаяди. Ушбу фойда туман бўйича олинадиган умумий сармоянинг 60 фоизини ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Хуллас, хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан, деб шунга айтсалар керак-да!

— Бугунги ислоҳотлар талаби қишлоққа тезроқ саноатни олиб келиш. Туманда бу борадаги ишлар қандай?

— Мустақилликка эришмасдан олдин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари бармоқ билан санарли ҳолда эди. Ҳозирги кунда ҳар бир хўжаликнинг ўз корхонаси, мўъжаз цехи бор. Деярли барча хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари қайта ишланаяпти. Хўжаликлар эндиликда ўзлари етиштираётган узум ва бошқа мева-сабзавот маҳсулотларини корхоналарга, тайёрлов идораларига элтиб топшириш каби сарсонгарчиликлардан ҳоли бўлиб қолдилар. Ушбу маҳсулотлар хўжалик ҳудудида қайта ишланмоқда ва бунинг ҳисобига катта даромад олишга ва ишчиларимизнинг ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг сифати ва ассортименти ҳақида ҳам ўз фикримиз бор. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг сифати ва ассортименти ҳақида ҳам ўз фикримиз бор. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг сифати ва ассортименти ҳақида ҳам ўз фикримиз бор. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг сифати ва ассортименти ҳақида ҳам ўз фикримиз бор.

— Дарвоқе, туманда корпорациялар ташкил топаётгани албатта қувончли ҳол. Бироқ бу номнинг ўзгаришини ёхуд...?

— Шу йил январь ойида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ жамоа хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида корпорациялар ташкил этишни йўлга қўйдик. Масалан, Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги тугатилиб, у корпорация деган янги номни олди. Мазкур корпорация қошида 12 та деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил топди. Хўжаликдаги мавжуд иккита иссиқхона ҳам тадбиркорлар ихтиёрига ўтказилди. Ҳозир бу янгилик ўз нишонасини бера бошлади. Илгари колхоз тузумида аҳвол анча ачинарли эди. Режа кетидан чопишлар, «марказ»га ахборот беришлар кишиларни анча эсанкиратиб қўйган эди. Эндиликда бу ҳолга чек қўйилди. Корпорацияга ўтилгач, маҳсулот яратишда сезиларли ўзгаришлар вужудга келди.

Хусусийлаштириш борасидаги муаммоларнинг таҳлили шуни кўрсатяптики, ҳозир ҳам айрим хўжалик раҳбарлари онгида эски тузум асоратлари қаттиқ ўрнашиб қолган. Улар мулкни қўл остидан чиқаришдан, эркин рақобат пайдо бўлишидан қўрқадилар. Ҳолбуки, халқ дастурхонини тўкин қилиш, мўлкўлчилик манбаи — бу ишлаб чиқаришда, аҳолига хизмат кўрсатишда соғлом рақобатдир.

— Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим тамойилларидан бири бу—аҳолини, айниқса унинг муҳтож табақаларини, кўп болали оилалар ва ногиронларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳисобланади. Сиз раҳбарлик қилаётган туман меҳнаткашларининг ижтимоий ҳимоя масаласи қай аҳволда?

— Дунёда неки фазилат, неки яхши хислат бор барчаси эзгуликнинг, инсонийликнинг меваси ҳисобланади. Инсон доимо саховатга, мурувватга муҳтож бўлиб яшайди. Бир оғиз ширин сўз унга куч-қувват бағишлайди, ҳаётга бўлган меҳрини оширади. Одамлар қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, деб бежиз айтишмайди. Мустақиллик шарофати билан бизда инсон қадр топадиган замон келди.

Туманда аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилган. Яқинда уй-жойга муҳтожлардан 196 нафар киши янги ҳовли тўйларини нишонлади. Ҳокимият ташаббуси билан юзлаб жажжи фарзандларимизнинг суннат тўйлари ўтказилди. Уларнинг номларига омонат дафтарчалари берилди. Шу йилнинг май ойида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронларига Ғалаба байрами муносабати билан 7 миллион сўмлик маблағ ажратилиб, совға-саломлар улашилди.

Хуллас, эзгуликнинг кечи йўқ деганларидек, туманимиздаги ҳар бир фуқаронинг ҳолидан хабар олиняпти. Бу йўлда маҳалла ташкилотлари бизга кўмакдош бўлишяпти. Очиғи, муҳтож кишилардан бир оғиз ҳол сўрагининг — дунё берганинг билан баробар. Келгуси режаларимизда ҳам бу масалалар доимо эътиборимизда бўлади. Халқимиз меҳнаткаш. У барча қийинчиликларни бир ёқадан бош чиқариб ҳал қилишга қодир. Шундай экан, бугунги кунда барчамиз: оддий фуқародан тортиб, раҳбаргача эл фаровонлиги, юрт равнақи йўлида камарбаста бўлишимиз лозим.

«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари Аслиддин БОЛИЕВ ва Соҳибжон САЛИМОВ суҳбатлашдилар.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

УКРАИНАДА ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

Гулистон давлат санъат билим юрти ижодий жамоаси Донецк шаҳрида ўтказилган халқаро танловда биринчи ўринни олди.

Бу Йўлдошали Норбўтаев раҳбарлик қилаётган санъат билим юртининг халқаро миқёсидаги биринчи ютуғи эмас. Уч йил муқаддам Киев шаҳрида ўтказилган халқаро танловда ҳам улар биринчи ўринни эгаллаб, юртимиз довруғини кўпчиликка танитиб келган эдилар.

Лекин бу сафарги танлов ҳар қачонгидан ҳам масъулиятли ва обрўли эди. Украинанинг Донецк шаҳрида ўтказилган биринчи халқаро ўсмирлар халқ чолғу асбоблари оркестрлари кўрик танловида жаҳондаги 17 та мамлакатнинг 33 та жамоаси иштирок этди. Ҳамдўстлик мамлакатлари вакилларидан ташқари Испания, Туркия, Болгария ва бошқа мамлакатлардан келган тенгдошлари орасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган гулистонлик ёш санъаткорларнинг кўрик танловда фахрли биринчи ўринни олганликлари мақтовга лойиқдир.

Бу ижодий ютуқда оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Н. Баҳодиров, дирижёр Й. Норбўтаев ва бошқаларнинг меҳнати катта бўлди.

Абдужалил УМАРОВ.

ШТАБ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШАДИ

ЖИЗЗАХ вилоят ҳокимлиги қошидаги жиноятчиликка қарши кураш штабининг навбатдаги йиғилиши Пахтакор туманида бўлиб ўтди. Штаб аъзолари туманда жиноят содир қилиш ҳолатлари ўтган йилга нисбатан 50 фоизга камайганлигини таъкидладилар. Туман ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, жамоат тартиби ҳамда осойишталикни таъминлаш борасида олиб бораётган самарали ишлари туфайли туманда 1993 йилда 21 та жиноий гуруҳ қўлга олинган. 21 гиёҳванд ушланган. Шу билан бир қаторда содир этилган 2[illegible] та жиноятнинг 30 таси ҳали очилмаганлиги қайд этилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар туманда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш юзасидан қатъий ва амалий чоралар кўриш зарурлигини таъкидладилар. Йиғилишда Жиззах вилояти ҳокими муовини А. Ҳасанов сўзга чиқди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

• МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

АЛЛОМА ВА МИРЗАЧЎЛ

Асрлар мобайнида қақраб-қақшаб ётган ва фақат инсон боласининг иродаси, унинг бунёдкорлик меҳнати ва жасорати туфайли Мирзачўл бугунги Мирзагулистонга, гуллаб-яшнаётган воҳага айланди. Буни ҳозир ҳамма билади. Лекин унинг тарихи ва тақдирида таваллуд топганлигининг 600 йиллиги нишонланаётган буюк бобомиз, шоҳ ва фалакиёт султони МИРЗО УЛУҒБЕК қандай ўрин тутганини ҳамма ҳам билмайди.

Биз бу соҳага оид изланиш-тадқиқот ишларига қўл урдик. Тарихий манбаларни варақладик. Ўзимиз ахтарган далил ва исботларни таҳлил этдик. Юртдошларимиз эътиборига ҳавола қилишни зарур, деб топдик

Форс тарихчиси, маълум ва машҳур «Зафарнома» асарининг муаллифи Шарафиддин АЛИ ЯЗДИЙ бундай ёзади:

«Амир ТЕМУР шаҳзода Улуғбекка Тошкент, Сайрам, Аспара ва Жатта ҳудудини барча фуқаролари ва ер-суви билан бирга мулк қилиб берди, унга подшоҳ тамғаси босилган олий ёрлиқни топширди ва бу улкан сарҳадларга ҳукмронлик қилишни амри фармон этди» («Ши-Чоч-Тошкент» «Ўзбекистон» нашриёти, 1992).

Шуни унутмаслик лозимки, Тошкент деганда ўша даврдаги Тошкент давлати тушунилади. Мирзачўл эса шу давлатнинг таркибий қисмларидан — ажралмас ҳудудларидан бири бўлган.

Мирзо УЛУҒБЕК ўзининг дастлабки ҳукмдорлик йилларидан бошлаб ўзига топширилган давлат чегараларининг дахлсизлиги ва яхлитлиги учун қайғурди. Зарур бўлган вақтда уни ҳимоя қилиб, жанг-у жадалга ҳам отланди. Масалан, айни шу даврда Моваройннаҳр чегарасида, Дашти Қипчоқ билан туташ теграда, кўчманчи ўзбек қабилалари пайдо бўлди. Улар иккита йўналишда — Сирдарё билан Амударё томонлардан суқилиб кирдилар. Бироқ Мирзо Улуғбек бўйруғига биноан Шоҳ МАЛИК уларни қувиб чиқаришга муваффақ бўлди.

Тошкент ҳукмдори ХУДОЙДОД эса тахт учун курашга ҳозирлик кўриб, Мирзачўл орқали Самарқандга юриш бошлади. Бироқ бундан хабар топган Мирзо Улуғбек ўз қариндоши Халил Султонни унга қарши йўллади. У Мирзачўл орқали Сирдарёдан ўтиб, Тошкентни узоқ вақт қамал қилди. Очликдан силласи қуриган Тошкент қалъаси ҳимоячилари таслим бўлишди. Аммо Мирзо Улуғбек амрини адо этиб қайтаётган Халил Султон қўшини Мирзачўлдан ўтаётганда Худойдод навкарлари уни тўсатдан ўққа тутишди ва бу теграни тезда тарк этишни талаб қилишди.

Афсуски, тахт учун кураш шу билан тўхтамади. Шайх Нуриддин Амир ТЕМУР меросхўрларига қарши бош кўтарди. Улуғбек яна Шоҳ Маликни унга қарши йўллашга мажбур бўлди. Душман Мирзачўл орқали Мўғулистон тарафга қочди. Бироқ катта куч тўплаб, Шоҳ Маликка зарба берди. Оқибатда Шоҳ Малик Хўжандни ва унинг таркибий қисми бўлган Мирзачўлни ҳимоя қила олмади. Унинг Самарқандга қайтишдан бошқа иложи қолмаганди.

1419 йилда ўзбек хони Бароқхон ўзини душмандан ҳимоя қилишни сўраб, Самарқанд ҳукмдори Мирзо Улуғбекка мурожаат қилди. У сентябрь ойида Бароқхон билан бирга Сирдарё сари юриш бошлади, лекин душман жангга киришмади.

XV асрнинг 20-йилларида тахт учун кураш авжига чиқди. Мирзо Улуғбек бунга қарши чоралар ташкилотчиси бўлди ва катта қўшин тўплаб, отаси Шоҳруҳ фотиҳасини олди, сўнгра Тошкентни қўлга киритди.

Ўша даврдаги қонли воқеаларни хаёлан тасаввур этиб, Мирзачўл тупроғига қулоқ тутсангиз, унинг қаъридан жангари отларнинг дукури-ю кишнаши, аждодларимиз қонига беланган қиличлар жаранги, оналар ва гўдакларнинг фарёди, Улуғбек замонида қазилган ариқлар сувининг чулдираши у бошчилигида яратилган боғ-роғларнинг шовуллаши, булбул-у қирғовулларнинг хониши-ю ноласи қулоққа чалинади...

Мирзачўлнинг Мирзо Улуғбек давридаги тарихини ўрганар эканмиз, бу муқаддас замин нафақат Сирдарёдан сув ичганига, балки озодлик учун курашган боболаримиз қони билан йўғрилганига ҳам ишонч ҳосил қиламиз.

Бизда Мирзо Улуғбек ҳукмдорлик даврида Мирзачўлда бунёдкорлик ишлари кўпроқ амалга оширилгани катта қизиқиш уйғотди. Масалан, Сир дарёсида айни ўша даврда тўртта кечув қайта тикланди. Мирзачўлга Бухоро хони Абдулла II даврида-гидек, Зарафшон дарёсидан эмас, балки Сирдарё ҳавзасидан сув чиқарилгани ва ўзлаштиришга асос солингани барчанинг эътиборини ўзига тортмай қўймайди.

Мирзо Улуғбекнинг Мирзачўлдаги миришкорлар ва чорвадорлар ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатгани ҳозирга қадар тарихнинг ҳали ўқилмаган саҳифаси бўлиб қолаётган эди. У қайта тиклаган ўша кечувлар Мирзачўл аҳолисини Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Қурама, Ангрен, Чирчиқ аҳолисини унинг сўл соҳиллари тарафда яшовчи халқларнинг қўнимгоҳлари Ўратепа, Зомин, Жиззах ва Моваройннаҳр пойтахти Самарқанд билан боғлаган эди. Тошкент ва Самарқанд ўртасида Буюк Ипак йўли шу кечувларнинг учинчисидан ўтарди.

Мирзо Улуғбекнинг Мирзачўлдаги фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида яна битта манбани мисол тариқасида келтириб ўтамиз: 1981 йилда Москвада чоп этилган «Голодная степь: 1867—1917» китобини ўқисангиз, Мирзо Улуғбек Сирдарё билан Бухоро ўртасида улкан ариқ қаздирганига ишонч ҳосил қиласиз.

Мазкур тарихий манбада Н. Иванов Мирзачўлни чор Русияси мустамлакасига айлантиришга доир ўз фикрларини ифодалаб, бундай ёзади:

«Агар Мирзачўлда Улуғбек даврида қурилган ариқлар тикланса, бу сарҳадлар Россия учун ортиқча харажатлар макони эмас, аксинча битмас-туганмас бойликлар ва тайёр даромадлар манбаига айланади».

«Биз, — дея ўз хотираларини давом эттиради Н. Иванов, — Мирзачўлга сув чиқариш имкониятларини излаб, тадқиқотлар ўтказиш учун Зарафшон водийсида бўлганимизда ҳам, Жиззахда юрганимизда ҳам ва шу мақсадда Қизилқумда ишлаётганимизда ҳам қадимги Сирдарё — Бухоро оралиғида ариқ бўлганини ва уни Улуғбек қурдиргани ҳақида кўп марта эшитдик.

Бу эртак эмас, ҳақиқат. Чунки биз ўша китобдан Мирзо Улуғбек даврида ҳозирги Сирдарё туманидаги «Малик» давлат хўжалигича ва Сайхунобод туманидаги кўҳна Мирза Работ кошонасига қадар сув чиқариб келтирилганини билиб оламиз.

Бироқ табиий равишда шундай савол туғилади: Улуғбек замонида ўша ариқлар, уларнинг тармоқлари ва шохобчалари нима учун йўқолиб, улар нега тарк этилган?

Бу саволга рус олими — ўша Иванов қуйидагича жавоб қайтаради:

«Агар биз қумларнинг муттасил тарзда шимоли-ғарб томондан жануби-шарқ тарафга кўчиб-силжиб борганини эсласак ва ўша қум уюмларининг ҳозир ҳам кўчиш жараёни давом этаётганини назарда тутсак, ариқларнинг кўмилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолганини тушуниш қийин эмас».

Қисқа қилиб айтганда, Мирзо Улуғбекдан кейин ҳам давом этган тож-тахт учун кураш юзага чиқарган хонлар ўртасидаги жанг-у жадаллар вақтида Мирзачўлдаги экинзорлар яксон қилинди, суғориш тармоқлари тозаланиб таъмирланмади. Оқибатда бу ерда қўним топган боболаримиз ўз чорвасини ҳайдаб тоғли минтақаларга кўчиб кетишга мажбур бўлганлар. Йиллар ва асрлар ўтиб, бу теграда деҳқончилик яна ривож топганда эса, улар яна Мирзачўл сарҳадларига мол боқиш учун қайтганлар.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Мирзо Улуғбек даврида барпо этилган ариқ ва унинг тармоқлари Қарой ҳамда Мирзаработни тиклаш чоризмнинг қўлидан келмади. Чор ҳукуматининг Мирзачўлга юборган мутахассислари ва ишбилармонлари Мирзо Улуғбекнинг ободончилик соҳасидаги маҳоратига қойил қолдилар. Аммо у қурдириб кетган суғориш тармоқларини қайтадан тиклаш ишини эплай олишмади. Мирзачўлда пахтачиликни ривожлантириш муаммоси охиригача етказилмай қолди. Шу сабаб Русиянинг пахта бўйича Америкага қарамлиги сақланиб қолаверди.

1960 йилларга келиб, ўз одамларимиз Улуғбек қадами теккан Мирза чўлини бугунги битмас-туганмас бойликлар манбаига ва гуллаётган воҳага айлантирдилар. Шунга айтсалар керак: ҳар бир чўлнинг ўз чумчуғи бўлганидек, ҳар бир боғнинг ҳам ўз булбули бўлади. Демак, ҳар ернинг ҳам ўз эгаси, яъни ўз хўжайини бўлади.

Бугун бобо тарихимиз Мирзо Улуғбек билан бизнинг орамизни 600 йилга ажратиб турибди. Лекин у ҳозирги миннатдор авлодлар қалбида яшаяпти. Бебаҳо мероси онгимизда, меҳри — кўксимизда, табаррук номи ва улуғвор ишлари эса ҳар дақиқада тилимиздадир.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ.

ПАРИЖДА УЛУҒБЕК ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси археология институтининг илмий ходимлари — тарих фанлари докторлари Т. Ширинов, Б. Кочнев, тарих фанлари номзодлари А. Бердимуродов, Ш. Шайдуллаев, Т. Аллаев Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва Франция Республикаси Президенти Ф. Миттеран томонидан имзоланган шартнома доирасида Парижда илмий сафарда бўлиб қайтдилар. Мухбиримиз шу сафар таассуротлари ҳақида институт директори Т. Ширинов билан мулоқотда бўлди.

— Биз дастлаб француз археологларининг Афғонистон, Эрон, Ироқ ва қўҳна Шарқнинг бошқа ўлкаларида олиб борган тадқиқотлари билан танишдик. Кутубхоналарда сақланаётган ноёб китобларни кўрдик, улардан нусхалар кўчирдик. Француз шарқшунослари томонидан Амир Темур, Бобур ва Чингизхон ҳақида ёзилган китобларни олиб келдик.

Гимет номли Осиё маданияти музейида «Осмон юрти мамлакатининг меҳмонлари» номли кўргазмани томоша қилдик. Унда Шарққа оид ниҳоятда кўп экспонатлар бор экан. Жумладан, кўргазмада VII—VIII асрларда Самарқанддан Хитойга олиб борилган отлар, рақосалар ва созандалар ҳайкалчалари турибди.

Париждаги дунёга машҳур Лувр музейида сақланаётган ёдгорликларни ҳам томоша қилдик. Улар асосан Самарқанд ва Туркистон шаҳарларидан олиб кетилган темурийлар даврига оид буюмлар экан.

— **Илгари республика газеталари Парижда Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар уюшмаси фаолият кўрсатаётганлигини ёзишган эди. Бу уюшма аъзолари билан ҳам учрашгандирсизлар?**

— Албатта. Ана шу уюшма Президенти Л. Керен ҳамда бош котибаси Бресанд хоним Испаниядан Лондонга қилган сафарлари чоғида Темурийлар ҳаётига оид олган янги маълумотлари ҳақида гапириб бердилар. Улар билан Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги тўйига бағишлаб биргаликда тўплам чиқаришга келишдик. Бу китоб Парижда француз тилида чоп этилади. Кейин эса Рои Гонзалес де Клавихонинг Темур ҳақидаги хотиралари ҳам чоп этилади.

— **Демак, асосий эътибор Темурийлар даврини ўрганишга қаратилган...**

— Биласизми, аввалам бор французларнинг ўлкамиз тарихига қизиқиши ниҳоятда лол қолдирди. Парижда бир неча йиллар давомида яшаган Темурийзода Исломбек, Худоёрхон ҳақида янги маълумотлар олдик. У умрининг охиригача Афғонистоннинг Франциядаги элчихонасида ишлаган. 1981 йилда Швейцарияда вафот этган. У кишининг хотини ҳам асли самарқандлик бўлиб, 1977 йилда Парижда бандаликни бажо келтирган. Темурийлар Франциядаги бир қатор анъанавий кўргазмаларга ҳомийлик қилишган. Улар Мирзо Улуғбек юбилейини ўтказиш юзасидан қандай ёрдам керак бўлса тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

— **Айтишларича, Улуғбек юбилейи Францияда ҳам катта тантана билан нишонланар экан. Бу ҳақда нима дея оласиз?**

— Эҳ-ҳе, французларнинг бу ҳақдаги режаларини эшитгач, қувонганимизни кўрсангиз эди. Улар шу йилнинг 22—28 октябрь кунлари Парижда ЮНЕСКО биносида «Улуғбек ҳафталиги» ўтказишади. ЮНЕСКОнинг машҳур залларидан бири бўлган «Сегур»да Улуғбек даври тарихи, маданияти ва санъатини акс эттирувчи кўргазма очилади. Шу мавзуда бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади. Франция, Англия, АҚШ, Германия ва Ўзбекистон олимлари иштирокида илмий-амалий семинар бўлади.

Бундан ташқари, бошқа залларда замонавий ўзбек ҳунармандчилигига бағишланган кўргазмалар ҳам уюштирилади. Ўзбекистоннинг таниқли санъаткорлари ўз иқтидорларини намойиш этадилар. Хуллас, кузнинг сўнггида Париж бизни қучоқ очиб кутиб олади. Демак, Ўзбекистоннинг довруғи худди қадимдагидек Темурийлар, хусусан, Мирзо Улуғбек номи билан эллардан элларга ўтади.

Суҳбатдош Фармон ТОШЕВ.

• Ўз касбига содиқлар

БИЛГАННИНГ БИЛАГИ ТОЛМАС



Баъзи ҳайдовчилар билан суҳбатлашиб қолсангиз, улар кўпроқ гапни ишларидан ноғлиш билан якунлайдилар: «Маош оз. Эҳтиёт қисмлар йўқ. «Бер-бер» жонга тегди. Йўловчиларнинг тўртдан бири патта олмайди» ва ҳоказо. Шу соҳада 32 йилдан бери бенуқсон ишлаётган Абдураҳмон Шодиевнинг фикр-мулоҳазалари эса бошқача.

— Мен ҳар бир йўловчига меҳмонга муомала қилгандай муносабатда бўлишга ҳаракат қиламан,— дейди у.— Мен ҳайдайдиган «Мерседес-бенц» автобусининг қатнов манзили «Тошкент—Денов—Тошкент». Манзил узоқ — 12—13 соат йўл босиш керак. Табиийки, одамлар толиқади, зерикади. Шунинг учун уларнинг талаб-илтимосларини бажонидил бажараман. Саволларига самимий жавоб қайтараман. «Қарс—икки қўлдан», — деганларидек, улар ҳам мен билан ўз яқинларидек гаплаша бошлашади. Шунда йўловчилар манзилларига қайтаётганларида ҳам менинг автобусимга чиқишни кўнгилларига тугиб қўйишганини сезаман. Шу боис патта сотиш режасини ўйламайман.

Чиндан ҳам шундай. Режани ўйламаслиги сабаби энди сизга равшан бўлса керак. Чунки у ҳайдайдиган автобусда бўш ўрин бўлмайди. Деновга бир марта бориб-келиш учун белгиланган режа — 3 минг сўмдан иборат. Мазкур йўналишда икки автобус қатнайди. Абдураҳмон Шодиев ҳайдовчи бўлган машина тушуми эса 4—4,5 минг сўмни ташкил этмоқда. Ўз касбига содиқ шоферлар Тошкент вилояти йўловчи ташиш бошқармаси маъмурияти эътиборидан четда қолмаётир. А. Шодиевга ўхшаш ниманли кишиларга ой сайин юз сўмдан мукофот пули берилмоқда. Иномжон Ҳошимов, Ортиқ Худойбердиев сингари умрини йўлда ўтказиб, ишда намуна кўрсатаётганлар ҳам унинг маслакдошлари.

Абдураҳмон Марказий Осиё йўлларида кўп қатнагани туфайли қайси йўл қаерга олиб чиқишини, қайси қишлоқ қайси туманга қарашли эканлигини харитага қарамасдан айтиб бера олади. Қўшни республикалардан кўп дўстлар орттирган. Маҳаллада обрўли. Оилада болажон ва талабчан ота. Икки ўғил ва уч қизи бор. Катта фарзанди — Абдухалил шу бошқарма саройида таъмирловчи — ота изидан бормоқда. Ҳарбий хизматни ўтаётган Абдурашид ҳам ҳайдовчилик гувоҳномасини олганлигини маълум қилибди. Куни-кеча ота-бола ҳисоблаб чиқишса, Абдураҳмон Шодиевнинг машинада босган йўли 1 миллион километрга етибди. Лекин унинг кўринишидан ҳали ҳам ишга чанқоқлиги равшан сезилиб турибди. Билганнинг билаги толмас, деб шунга айтсалар керак-да!

Абдунаби МАННОПОВ.

Абдувоҳид Тўраев олган ушбу суратда моҳир шофернинг йўлга отланаётган пайти акс этган.

• «Ойнаи жаҳон» олдида

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР НИМАНИ ЁҚТИРИШАДИ?

Телевидение ҳаётимизнинг ажралмас бўлаги бўлиб қолгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳар бир хонадон ундан бечиқим баҳра олаётганини айтмайсизми: кино ёки спектаклни ҳам, концерт ёки циркни ҳам уйда бемалол томоша қиладилар. Албатта, рўзнома ёки журналларнинг ўз ўрни, мавқеи бор. Аммо телевидение, юртбошимиз бир неча бор таъкидлаб ўтганидек, мамлакатимиз ҳаётидаги янгиликларни халқимизга тез ва жонли тарзда етказиб беришда муҳим ўрин тутади. Шу маънода унинг таъсир кучи ҳам бошқача, жозибалироқ.

Яқинда Ўзбекистон Давлат телерадио компаниясининг «Омад» дирекцияси телетомошабинларнинг асосан қайси теледастурларни ёқтиришларини ижтимоий тадқиқ этди. Мана, унинг натижалари: «Ўзбекистон ахбороти»ни кўпчилик телетомошабинлар муттасил кўриб боришаркан. Дарвоқе, илгари ахборот кўрсатувлари гоятда зерикарли бўлар, уларда асосан нурсиз, ҳиссиз, бир хилдаги лавҳалар берилар, воқеаларга муносабат етишмасди. Бунинг сабабларидан бири тоталитар тузум касри бўлса, иккинчидан суҳандонларнинг матндан бош кўтармай шарилатиб ўқиб беришлари жонга тегарди. Кейинги вақтда бир қатор иқтидорли шарҳчи суҳандонларнинг ўз ишларига ижодий ёндашишлари яққол сезилди: улар ҳар бир ахборотни жонли, эҳтиросли тилда телетомошабинларга етказишга интилишяпти. Уларга Цицероннинг суҳандонлигини тилагимиз келади!

«Тунги ёғду», «Бевосита мулоқот», «Тилсим», «Инсон ва қонун», «Кулги кечаси», айрим мусиқавий кўрсатувлар ҳам ўз мухлисларини топгани қувончли ҳол. Улар бу кўрсатувларнинг бирортасини ҳам эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилишлари аён бўлди. Демак, бу — телеижодкорлар аҳоли турли қатламлари, турли ёш ва касбдаги одамлар кўнглини топаётганидан дарак беради.

«Ассалом, Ўзбекистон» тонгги мусиқавий дам олиш ва «Ватанни севмоқ иймондандир» публицистик кўрсатувлари ўз изчиллиги, мазмунан ва шаклан ранг-баранглиги, изланишларга бойлиги билан телетомошабинлар эътиборини аллақачон қозонган.

Телевидение ва саҳна ижодкорларида (тўтрироғи, режиссёрларида) шундай бир қатъий қоида бор: ҳар бир кўрсатув ёки саҳна асарини дастлаб мутахассислар ва кенг омма вакиллари синовидан ўтказиб оладилар. Ҳозирда ҳам кенг тарқалган бу усул ижодий гуруҳлар қобилиятини имтиҳон қилиш ва уларнинг нимага қодирлигини билишда асқотяпти. Янги-янги кўрсатувлар шу тариқа майдонга келяпти. Айниқса, вилоят театрларининг ижодий мусобақаси мевалари мамлакатимиз «зангори кўзгуси» орқали намойиш этилаётгани қишини мамнун этади. Улар орасида фарғоналикларнинг «Темир хотин» комедиясини, Бухоро ва Сирдарё актёрлари изланишларини эслаш кифоя.

Биз Ўзбекистон телевидениесининг фақат 1-дастурига эмас, 2-дастури орқали берилаётган «Билиб қўйган яхши», «Хайрли тун Тошкент!», «Ҳар соҳадан бир шингил», «Салом, ёшлар», «Шарқ жавоҳири» сингари кўрсатувлар ҳам маъқул тушаётганини таъкидлаб ўтишни истардик.

«Омад» реклама-тижорат кўрсатувлари ҳақида ҳам ижобий фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Ҳозирги бозор муносабатлари даврида у орқали зарур ахборотлар олишаётганини қайд этишган. Аммо телетомошабинлар қизиқарли фильмлар ёки яхши кўрсатувлар орасида реклама берилишини ёқтиришмаётгани ҳам маълум бўлди.

— Ўзбекистон телерадио компанияси мамлакатимиз жўшқин ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олишга интиляпти,— деди компания раиси Шавкат Яҳёев мазкур ижтимоий тадқиқ якуни ҳақида.— Агар ўз иш кунимни тадқиқ этсам, 90 фоиз вақтимни телекўрсатувлар жозибасини, мазмунини бойитишга сарфлаяпман. Мақсадим — яна янги-янги кўрсатувлар «ойнаи жаҳон»юзини кўрсин. Телетомошабинлар талаби — биз учун мезон. Юртбошимизнинг янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг, деган башорати биз, телерадио ижод аҳлига ҳам тааллуқли. Мана, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», телеминиатюралар баъзи сабабларга кўра «зангори кўзгу»да кўринмай қолган эди. Биз уларни тикладик. Негаки, у минг-минглаб мухлисларга маъқул. Мақсадимиз — халққа манзур кўрсатувларни янада кўпайтириш, улар мазмунини эса бугунги кун талаблари даражасига кўтариш.

Бу сўзларга изоҳ ортиқча. Биз заҳматкаш, ижодий изланишлар билан туну кунни беҳаловат ўтказаётган ҳамкасбларимиз саъй-ҳаракатларига омад тилаймиз!

Ҳамид ИКРОМОВ.

• Атама ва тушунчалар

ИШБИЛАРМОНЛИК ЛУҒАТИ

Бозор иқтисодиёти атама ва тушунчалари ҳаёт тарзимизга тобора кириб бормоқда. Қуйида диққатингизга ҳавола этиб борилаётган луғатда хўжалик ҳаётн, ташқи иқтисодий алоқалар, молия-кредит, биржа ва маркетинг фаолиятида кўп учрайдиган тушунчаларнинг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинади.

АККРЕДИТИВ — (лотинча сўз — ишонаман) — пул ҳисоб-китоб ҳужжати; банк мажбурияти. 1) томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилаётган ҳисоб-китоб тури бўлиб, унга кўра қарз берувчи (кредитор) белгиланган муддатларда, келишилган шартлар асосида келишувда кўрсатилган банк орқали ўзига тегишли тўловни олиб туради; 2) жамғарма банкининг аҳолига кўрсатадиган хизмат турларидан бири; банк бўлимининг тегишли бир шахсга маълум миқдордаги суммани тўлаши учун бошқа бўлимларга берадиган буйруғи, махсус бланк воситасида амалга оширилади. Булардан ташқари аккредитив турли шаҳарларда жойлашган корхона (бирлашма)ларнинг мулкий муносабатларида, халқаро ҳисоб-китобларда (айниқса, мамлакатлараро экспорт-импорт муносабатларида) кенг қўлланилади.

АККРЕДИТИВ ҲИСОБ-КИТОБЛАР — товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз аккредитивлар билан ҳисоб-китоб қилиш шакли. Одатда турли шаҳарларда жойлашган банклар ўртасида амалга оширилади. Товар етказиб берувчи банкдан бошқа шаҳардаги харидорнинг ўзига хизмат кўрсатадиган банкка сақлашга қўйган активлари ҳисобидан пул маблағларини олади.

АКЦИЗ (французча сўз) — кенг истеъмол товарлари, энг муҳим хом ашёларга билвосита солинадиган солиқ тури. Муайян товар нархига, кўрсатилган хизмат ҳақига қўшилади.

АКЦИЯ (французча сўз — фармойиш, рухсатнома, фаолият) — акционер жамият чиқарган қимматбаҳо (даромад келтирувчи) қоғоз. Акция эгасининг шу жамият маблағига қўшган ҳиссасини ва шунга мувофиқ топилган фойданинг бир қисмини дивиденд тариқасида олишини, уни бошқариб туришда қатнаша олишини тасдиқлайди. Акция қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди қилинади. Акция қиймати акцияда қайд этилган пул миқдоридир. У сотиладиган нарх акция курси деб аталади. Акциянинг акционер жамият таъсис этилганда сотилган дастлабки нархи номинал қиймати дейилади. Акция курси қийматининг номинал қийматидан ошиб кетиши — каж, пасайиб кетиши — дизажио дейилади. Акция нархининг ошиб бориши ёки пасайиб туришига қараб айрим компаниялар аҳволига ва умуман иқтисодий вазиятга баҳо берилади. Акциялар оддий ва имтиёзли бўлади. Оддий акцияларга дивиденд олинадиган фойдага қараб берилади, лекин акция эгаси акционерлар мажлисида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади; имтиёзли акцияларга дивиденд олинган фойдага қараб эмас, балки заёмга тўланганга каби, олдиндан белгиланган қатъий процентларда берилади, аммо акция эгаси акционерлар мажлисида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бундай акциялар қоидага кўра акционер жамият низом фондининг 10 фоизидан ортиқ чиқарилиши мумкин эмас. Жамият (корхона) биринчи навбатда имтиёзли акция эгалари билан ҳисоб-китоб қилганидан кейин қолган маблағ оддий акция эгаларига тақсимланади.

90-йиллар бошларидан Ўзбекистонда акционер жамиятларнинг эркин сотиладиган акциялари чиқарила бошлади.

АКЦИОНЕР КАПИТАЛ — акционер жамиятнинг асосий капитали. Унинг ҳажми жамият Низомида белгиланади. Акциялар чиқариш ҳисобига ҳосил бўлади.

АРАЛАШ ЖАМИЯТ — чет эл капитали билан ҳамкорликда барпо этилган, мамлакат қонунларига бўйсунувчи корхона, хўжалик фаолияти турларидан бири.

АССЕКУРАЦИЯ — товарларни ёки бирон-бир мулкни суғурта қилиш.

АУДИТ (лотинча сўз — эшитмоқ) — хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш, таҳлил этиш.

Соат 24.00
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҚАШҚАДАРЁНИНГ БИР ОҚШОМИ

Даштлар сойларга туташган, адирлар тоғларга бойланган бу воҳада. Тиним билмас инсонлари, чапани йигитлари билан танилган Қашқадарёнинг яна бир оқшоми ўтди. Кимдир уни севинч, кимдир ўкинчда кузатди. Милиция ходимларига бўлса, аввалгидек беҳаловат тонг отди.

МУАЛЛИМА ПОРА ОЛДИ

Олдин роса миш-мишлар оралаб юрди. Катта даврами, кичик йиғинми шу гап.

— Ҳеч кимга айтмагин-у Бариева пора олармиш.

— Йўғ-а. Кимдан?

— Талабалардан-да.

Биров ишонди. Биров ишонмади. Чунки Шаҳрисабз педагогика билим юртида ном қозонган Алия Бариевани кўплар ҳалол, бокира аёл сифатида танирди. Уни ҳурмат қилардилар. Бунинг устига у бўлим бошлиғи ҳам.

Бор ҳақиқат аввал халқ ўртасида тарқалади, деган нақлда жон бор экан. Алия опа ҳақидаги узуқ-юлуқ гаплар ҳақиқат бўлиб чиқди. Аммо ҳали-ҳануз уни унчамунча одам ҳазм қилолгани йўқ. Муаллима ўз шогирди, бўлажак домлалардан пора олса, қизиқ-да. Устознинг сен ҳам ўқувчиларингга шундай қил, деган фотиҳаси эмасми бу?

Ул-бул нарса ундиришга ўнғай толиблар биринчи ёки битирувчи курсдагилар бўлади, айримларга. Чунки бирови ҳали «шароит»ни тушунмайди. Иккинчиси эса эртаиндин кетворади. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолади. Ҳамза номидаги Шаҳрисабз педагогика билим юрти бўлим бошлиғи Алия Бариевага битирувчиларни шилиш маъқул тушди.

— Имтиҳон харажатлари учун пул йиғдиринглар?!

Бариеванинг топшириғини гуруҳ бошлиқлари Момохол Норбоева ва Шаҳзода Қамбаровалар болаларга айтишга мажбур эдилар. Бўлим бошлиғининг деганини қилмай кўришсин-чи. Шу тариқа 5-курс битирувчиларининг «А» ва «Б» гуруҳи ўқувчиларидан 740 минг сўм-купон йиғилди.

Пора муаллимага буюрмаган экан. А. Бариева сўм-купонни энди санаб олаётганида вилоят ва Шаҳрисабз ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

— Мен билан ўйнашмаларинг. Ҳаммангни қуритаман.

У кимга, нимага шаъма қилди ўзига аён. Бироқ муаллиманинг дўқ-пўписаси ўринсиз эди. Қўлга тушгач, йўқотаман, кўчираман дейдида. Лекин «ҳурматли» домланинг хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, пора олиши шогирдлари, эл-юрт олдида уятмасми?!

ЎГАЙ БЎЛСАЯМ ҚИЗИ ЭДИ

Хўрлаш, ҳақоратни ўгай фарзандига пеш билган отаоналар бор. Аммо Яхши Худойқулов ундайлардан эмасди. Ўгай қизи Санобарни қўярга жой тополмас, ардоқларди. Баъзан-баъзан аёлига уқтирган пайтлари бўлган.

— Ака-укалари қатори кўраман Санобарни. Уни қойиб, ҳақоратлашларингни йўқот. Уям жигарим!

Ота қизига шу нуқтаи назардан ёндашар, энг яхши совға-саломини унга ҳадя этарди. Бошқа фарзандлари бундан норози кайфиятда бўлсалар, насиҳат қиларди.

— Унинг кўнгли ярим. Ўксиса рўзғоримиздан барака кетади.

Қалби меҳр-мурувватга тўла бу инсон Санобарни камкўстсиз ўстирди. Хор-зор қилдирмади. Қиз вояга етган, уни совчилар сўраб келган кун бирам суюнди, бирам суюнди. Адоғи йўқ.

Томонлар рози бўлишгач, ширингина тўй бўлди. Ота бечора борини тўкди ўша оқшом. Ҳолига яраша сарполар қилинди. Уст-бош дегандек. Ота хурсанд. Қўни-қўшни хурсанд.

Халқда бир нақл бор. «Етим қўзи асрасанг оғзи-бурнинг мой қилур, етим фарзанд асрасанг оғзи-бурнинг қон қилур». Худди шундай бўлиб чиқди.

Фуқаро Яхши Худойқуловнинг уйига кирганлар даҳшатга тушиб қолди. У ўлиб ётарди. Бош қисми шикастланган. Оғир жисм билан урилгани кўриниб турарди.

— Қотил ким? Нега ўлдирилган?

Ана шунга жавоб топиш учун Қарши шаҳар ички ишлар бўлимида тезкор гуруҳ тузилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар бекор кетмади. Қотиллар топилди. Яраш Худойқулов ўгай қизи Санобар Й. ва эрка қуёви Улаш К. лар томонидан ўлдирилган экан!

Қотиллик сабаби ҳозирча аниқланяпти.

ИЎҚ ҚИЛИНДИ. ЛЕКИН...

Заруратми бу? Эрмакмикан ё? Балки бойиш йўлидаги уринишдир? Ҳар ҳолда бирон нима дейиш қийин. Лекин айримларнинг унга ружу қўяётгани аниқ.

Қанчадан-қанча таъқиб жазолашлар бўляпти-ю, гиёҳвандлик барибир мавжуд. Уни экаётганларнинг фикризикрида пул! Биров заҳарланадими, зурриётга зиёни борми барибир. Фақат пул! Шундай бўлмаса. Китоб туманидаги «Зарафшон» давлат хўжалиги тоғ ён-бағрида 7 гектару 60 сотих майдонда кўкнори ўсиб ётармиди!

Агар унга қилинган парвариш бошқа бир фойдали ўсимликка амалга оширилгандаям ўша «деҳқон» оч қолмасди. Картошка, пиёз етиштириб бойиганлар ҳам кўп бизда. Айримлар пиёз сотиб «Мерседес» миняпти.

Қисқаси, шода-шода кўсак боғлаган кўкнори милиция томонидан «тартиб»га келтирилди. Мавжуд майдондаги оғу ўриб олинниб, йўқ қилинди. Лекин шу тобда Шаҳрисабз туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида яшовчи Ҳаким Ғафуров ҳовлисидаги 70 туп кўкнори атрофида парвона эди.

Кексайганда кўплар невара-чеварасини тарбиялаб, ардоқлашни фарз биладилар. Ҳаким бува бўлса ҳали айтилганидек «кўкнори тарбияси»га зўр берибди. Бунинг устига чол ул-бул нарса ўрнига сандиғида бир кило кўкнори бошоғини асраб қўйган экан. Қария бу «бисоти»дан ҳам ажради.

ҚУШМАЧИ

Энг ифлос иллат қўшмачиликдир. Бу на маънавиятимизга, на сиёсатимизга тўғри келади. Ора-чорада учрайдиган бу шаккоклик доимо қораланган. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Фақат бир ёмон томони, айрим пасткашлар буниям даромад манбаига айлантирмоқчи бўладилар.

Қўшработ туманида яшовчи Г. Х. боши айланиб Чироқчидаги Жар қишлоғига бориб қолади. Аниқроғи, уни шу қишлоқда турувчи Ш. Й. уйидан алдаб олиб кетади. Йигирма уч баҳорни кўрган Г. Х. йигитнинг гапларига лаққа учади.

— Сен жуда ақлли қиз экансан, — дейди йигит қизнинг соддалигига ишора қилиб. — Бир кам дунёда бундай юраверма. Бизниям яшашни кўр...

Қув йигит яна баъзи нарсаларни ваъда қилиб юборади. Ш. Й. нинг ҳийласини баҳолай олмаган Г. Х. унга эргашади. Мақсадига эришган Ш. Й. аввал муроса қилади. Сўнг қўрқитиб Г. Х. ни бошқа эркакларга қўшади.

Дунёда нечта ҳаром иш бор, билмаймиз. Аммо унинг энг ҳароми қўшмачилик туфайли топилган пулдир. Ш. Й. эса буни ҳалол ўрнида кўрди. Қилаётганларини тўғри, дея хулоса чиқарди. Ҳар гал Г. Х. ни янги мижозлар қўлига топшираётганида аввал пулни санаб олди. Аёл эътироз билдирса дўқ уради, қўрқитади.

Ш. Й. нинг «иши» энди-энди томир отаётганди. Чироқчи тумани ИИБдагилар вақтида унинг илдизини қирқишди. Жамиятдаги яна бир иллат шу тариқа фош бўлди.

ШАЙТОН ЙЎЛДАН УРСА...

Эр-хотин бир-бирининг суянчиғи, маслакдоши. Яхши куниям, ёмон куниям эгизак уларнинг. Рўзғорнинг файзли-файзсизлигиям эр-хотин муносабатларига боғлиқ. Кичик бир сабаб обрўли оилаларни зумдаёқ бадном қила олиши ҳаётда исботини топган.

Мутахассисларнинг айтишича, тушунмовчилик туфайли ҳар йили юзлаб ёш оилалар ажрашиб кетади. Қаршида юз берган қуйидаги воқеа эса арзимаган нарсадан чиқди, дейилса хато эмас.

Жамилалар уйида 50 дона видео кассета бор эди. Негадир у шу буюмларни дўконга топширмоқчи бўлди. Эри уйда йўқ пайтида кассеталарга бир дона спорт кийимини қўшиб, «Восток» савдо дўконига элтди.

Боя айтилганидек, эр-хотин қўш ҳўкиз. Бирини иккинчиси тўлдириб юради. Улар орасида товламачилик, алдов бўлиши бирон-бир хулққа тўғри келмайди. Жамила шуни ўйламади. Яширин йўл тутди. Бекитиб бўларканми? Аёлининг ишидан эр хабар топиб қолди.

Сир очилган чоғ Жамила ночор аҳволга тушди. Юзи шувут қилмишидан.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи бошлиғи.

Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУТАХАССИС ШАРҲИ

Ўтган ойлар мобайнида ҳамма соҳа бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг 82 фонзи очилди. Жиноятнинг оғир тури ҳисобланган қотиллик шу йилнинг беш ойида 16 марта содир этилган бўлса, шунинг ҳаммаси ўз вақтида фош этилди. Кўриниб турибдики, ишни намунали ташкил этиш, кадрларни ўз ўрнига қўйиб ишлатиш жиноятчиликнинг пайини қирқишга яхши хизмат қилмоқда. Шаҳрисабз, Деҳқонобод, Чироқчи, Касби, Нишон туманлари ИИБлари ходимлари ўртасида ишнинг тезкорлигини ошириш хизматнинг янада яхшиланишига асос бўлмоқда.

Маҳалла оқсоқол ва кайвонилари билан ҳамкорликни кучайтириш жиноятчиликнинг кескин камайишида ва содир этилган жиноятнинг фош бўлишида катта аҳамият касб этаётир. Мавжуд фуқаролик йиғинлари кенгашлари бу борада хизматимизнинг яқин ҳамкор ва кўмакчиларига айланмоқда. Халқимиз бежизга: «Куч — бирликда», дея айтмаган. Мавзе вакилларимизга қишлоқ, маҳалла оқсоқоллари билан алоқа ўрнатиб, улар билан бамаслаҳат иш-тутиш кераклигини тез-тез эслатиб турамиз.

Қаерда интизом ва маънавий муҳит яхшиланса, шу ерда муваффақиятлар қўлга киритилиши табиий. Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишдаги муваффақиятларимизнинг калити ходимларимизни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилишдадир. Айниқса, фахрийларимизга катта ғамхўрлик кўрсатмоқдамиз. Фахрийлар кенгаши ишини намунали ташкил этиш, уларнинг ёш ходимлар ўртасида мураббийчилик ҳаракатини юргизиш, вазирлигимизнинг «Касб одобномаси» буйруғи асосида шахсий таркиб маънавиятини шакллантириш ютуқларимиз гарови бўлмоқда.

Ш. КАРИМОВ,
вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги.

• Спорт

● ШАТРАНЖ ОЛАМИДА

МАНТИҚИЙ ТАФАККУР МАНБАИ

Машҳур педагог Б. А. Сухомлинский фикрлаш маданиятини тарбиялаш, ўстириш тўғрисида гапириб, шахматга жиддий эътибор беради. Чунончи, ўз тажрибасига таяниб, у шундай дейди:

«...Ўғил болалар ва қизлар жон деб шахмат тахтасига интилишар эканлар, бу ўйин тафаккурни тартибга солар, хаёлни бир жойга йўналишга кўмаклашар эди. Энг муҳим хусусияти эса хотирани кучайтиришидир. Шахмат тахтаси менга Люба ва Павелдаги математикавий тафаккурни намоён этишга ёрдам берди. Шахмат ўйинига қадар (бу болалар учинчи синфда ўйнай бошлаган эдилар) мен улар тафаккуридаги ўткирлигу тиришқоқликни сезмаган эдим. Ақлий қобилият ва хотирани бекаму кўст тарбиялашни шахматсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шахмат ўйини ақлий маданиятнинг бир бўлаги сифатида бошланғич мактаб ҳаётига кириши даркор. Шахмат — изчил мантиқий тафаккур қилишнинг ажойиб мактабидир».

Ўзига хос шахмат оламига сайр қилиш бола ақлини мавҳум мантиқий тушунчаларни билишга кўмаклашади. «Жанг» қилишга қизиқиб қолган боланинг бетоқат бўлмай, бир жойда ўтира олишга, диққат-эътиборини бир нарсага, айни вақтда тахтадаги жараёнга қаратишга эса шубҳаланмаса ҳам бўлади. Бу жуда зарур фазилат. Шахмат ўйнайдиган болалар қунтлироқ бўладилар. Шунинг учун ҳам дарсларни яхшироқ ўзлаштирадилар. Шахмат доналарининг қиймати шунчалик аниқ чегаралаб қўйилганки, бу уни математик шаклларга солиш имконини беради. Бу ҳол шахматнинг мантиқий хулосалар ёрдамида берилган дастлабки нуқтага кўра, маълум натижаларга чорлайди.

«Менинг фикримча,— дейди немис файласуфи, кибернетик олим, профессор Г. Клаус,— аниқ мантиқий тафаккурни ўстиришда мантиқ дарслигидан фойдаланганда кўра, шахмат (жиддий партияларни кўзда тутиб) билан шуғулланган маъқулроқ. Негаки, одам таълимнинг бошқа усулларига қараганда, ўйин жараёнида тузукроқ ўрганади. Бунда кураш элементи бор-да».

Мамажон МУҲИДДИНОВ.



Икки юришда мот.

ЯШИЛ МАЙДОНЛАРДА

● **ОСИЁ КУБОК ЭГАЛАРИ КУБОГИ.** Жамбулда ана шу соврин учун бошланган баҳс якунланди. «Пахтакор» футболчилари имкониятни бой бериб, мухлисларни ранжитишди. Футболчиларимизнинг майдон эгалари —«Тараз» жамоасига ютқазиб қўйишлари Теҳронда ўтказиладиган финал ўйинларига боришдан маҳрум этди. «Тараз» саккиз очко билан курашни давом эттирадиган бўлди. Пахтакорчилар ҳисобида олтита очко тўпланган эди.

Бўш вақт — хуш вақт дейишади. Айниқса, ишдан сўнг вақт топиб ҳордиқ чиқаришга не етсин. Очиғи, бугунги кунда кўпчилик турмуш ташвишлари билан бўлиб, маданий дам олишга фурсат тополмайди. Лекин қатор ишлаб чиқариш корхоналарида ишчи-хизматчиларнинг саломатликларини тиклаш учун шароитлар яратилганлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Биргина мисол. Булунғур ижарадаги вино тайёрлаш заводида жамоа аҳлининг ишдан сўнг спорт билан шуғулланишларига имконият яратилган. Айниқса, мазкур корхона қошида «Ёшлик» футбол клубининг ташкил этилганлиги қувончли.

«Ёшлик» футбол клуби аъзолари учун керакли бўлган спорт анжомларини сотиб олиш учун Москвага буюртма берилган. Зеро, соғлом авлод учун ҳар қанча харажат қилса арзийди. Шу маънода заводда спортга, хусусан футболга бўлган муносабат кишини қувонтиради.

Р. ШОДИЕВ.

СУРАТДА: «Ёшлик» футбол клуби аъзолари.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.





BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зарарлидир!

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

Республика кўчмас мулк биржасининг вилоятимиздаги филиали мунтазам равишда ўтказиладиган «Кимошди» (аукцион) савдосини шу йилнинг 6 август куни соат 11.00 да вилоят мусиқали драма театри биносида ўтказилишини маълум қилади. Бу галги «Кимошди» савдоси беллашувида ғолиб чиққанлар қуйидаги бино ва иншоотларнинг ҳақиқий эгаси бўладилар.

1. НОВВОЙХОНА

БОЙСУН туманидаги Пасурхи қишлоғида жойлашган новвойхона. Шаҳар марказига олиб борадиган йўл ёқасида жойлашган. Фойдаланиш майдони — 42 кв. м. Бино усти шифер билан ёпилган. 1958 йилда қурилган.

Бошланғич нархи 968 сўм.

2. УНИВЕРСАЛ ДУКОН

БОЙСУН туманида жойлашган. Қурилиши тугалланмаган бино (объект). Қурилиш ишлари 1989 йилда бошланган. Фойдаланиш майдони 850 кв. м. Қурилиш ишларининг 71 фоизи бажарилган.

Бошланғич нархи — 300 минг сўм.

3. ОМБОРХОНА

ТЕРМИЗ шаҳри, Муқимий кўчасининг 53-биносида жойлашган омборхона. 84 кв. м. майдонга эга бўлган темир-бетон бино уч қисмга бўлинган. Умум ер майдони 2 минг кв. м. Атрофи симтўр билан уралган Юк тушириш ва ортиш учун махсус майдончаларга эга, темир йўл ўтказилган.

Бошланғич нархи — 407 минг 447 сўм.

4. ҲАММОМ

ОЛТИНСОЙ туманидаги ҳаммом., Соатига 16 кишини қабул қилади. Ҳаммом 1981 йил қурилган. Фойдаланиш майдони 14,4 кв. м.

Бошланғич нархи — 360 минг сўм.

5. ОШХОНА ВА ЧОЙХОНА

САРИОСИЁ туманидаги Сариосиё қишлоғида жойлашган ошхона ва чойхона. Қурилиш ишлари 1993 йилда бошланган. Ер майдони 2 минг кв. м. Фойдаланиш майдони 1200 кв. м. Чойхона 50 мижозга мўлжалланган. Қурилиш ишлари 100 фоизга бажарилган. Чойхона олдида ёнғиндан сақлаш ҳовузчаси бор. Бино икки қаватли.

Бошланғич нархи — 250 минг сўм.

6. МЕҲМОНХОНА

БОЙСУН туман марказида жойлашган икки қаватли «Дўстлик» меҳмонхонаси, 54 ўринли. 1989 йилда ишга тушган. Атрофи гул ва дарахтзор. Автобус шоҳ бекати ва алоқа бўлими яқинида жойлашган. Биринчи қаватида қаҳвахонаси бор. Қиш мавсумига мослаштирилган.

Бошланғич нархи — 68 минг сўм.

7. ҲАММОМ

ҚУМҚЎРҒОН туман марказида жойлашган 1-ҳаммом. Фойдаланиш майдони 1821 кв. м. Бир соатда 50 киши қабул қилинади. Дам олиш салони мавжуд. Бир қаватли бино. 1973 йилда қурилган. Газлаштирилган. Сув билан таъминланган.

Бошланғич нархи — 81 минг сўм.

8. «ЁШЛИК» РЕСТОРАН-ЧОЙХОНАСИ

ҚУМҚЎРҒОН туманидаги «Беш қаҳрамон» тайёрлов ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти бошқарувига қарашли туман марказидаги қурилиши тугалланмаган «ЁШЛИК» ресторан-чойхонаси. Қурилиш майдони 150, ҳовлиси 360 кв. м. Қурилиш 1992 йилда бошланган. Пойдевори қўйилган. Автомобиль йўли ёқасида.

Бошланғич нархи — 10 [redacted]нг сўм.

9. ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ АВТОКОРХОНА

ШЎРЧИ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган хўжалик ҳисобидаги автотранспорт корхонаси. Қурилиш ишлари 1992 йилда бошланган. 30 фоизга бажарилган. Умумий ер майдони 2 гектар.

Бошланғич нархи — 200 минг сўм.

10. БОҒ-ҲОВЛИ (дача)

ТЕРМИЗ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг «Саловат» участкаси ҳудудида жойлашган, 2 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган боғ-ҳовли-уйи. Устки қисмига бетон плиталари ётқизилган. Ёнидан ариқ суви ўтади. Умумий майдони 115 кв. м. турар-жой майдони 43 кв. м. Боғ-ҳовли яқинидан Сурхон дарёси оқиб ўтади. Боғ-ҳовли — уйи деворларининг ташқи томони манзарали, яъни декоратив сувоқ қилинган. Ичимлик сув учун бурғиланган сув қудуғи мавжуд.

Боғ-ҳовли Термиз тайёрагоҳи яқинида жойлашган. Уни сотиб олган шахсга «Ким ошди» савдосидан ўтгач, эгаси бир ой муддат ичида пулини тўлаш шартини қўяди.

Бошланғич нархи — 300 минг сўм.

11. ҲАММОМ

ШЕРОБОД туман маркази, Б. Нозим кўчасидаги 56-уйда жойлашган ҳаммом. Соатига 40 кишини қабул қилишга мўлжалланган. Дам олиш хоналари мавжуд. Табиий газ билан иситилади. 0,15 гектар ер майдони ва боғи бор.

Бошланғич нархи — 270 минг сўм.

Савдога қўйиладиган бино ва иншоотлар ҳақидаги зарур маълумотлар, тавсифномалар вилоят рўзномаларида, радио ва телевидениесида бериб борилади. Харидор сифатида савдода қатнашиш иштиёқи бўлган шахслар 5 август кунига қадар Республика давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш комитети бошқармасига ариза беришлари мумкин.

Аризалар эрталаб соат 9 дан 18 гача қабул қилинади.

АЗИЗ ДЎСТЛАР ВА БИРОДАРЛАР! ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ҲАМШАҲАРЛАР, ЮРТДОШЛАР! ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАЙ ДЕСАНГИЗ ШОШИЛИНГ!

МАНЗИЛИМИЗ: Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 17-уй; Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши биносининг 3-қавати, 35—39-хоналар.

ТЕЛЕФОН: 3-00-25.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;	Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-54-87;	Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22;	Қўмқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-31-86;	Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76;	Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43;	Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—22.00
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: А. МАННОПОВ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.